

# ОИЛЕС АССЕМДАР

ВА

10

сон

8 – 14 марта  
2000 года

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни – 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамгармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамгармаси

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!

Азиз опа-сингиллар!

Мунис ва лобар қизларимиз!

Барчангизни зеболик ва нафосат айёми – 8 март байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этман.

Бу гўзлай айёмнинг илк баҳор кунарида байрам қилиниши бежиз эмас. Чунки Баҳор ва Аёл тушунчаларини бир-биридан айри холда тасаввур этиб бўлмайди. Бу иккى сўз замирни хаёт аబадийлигига ишонч, меҳр-муҳабbat, покиза оруз-умидлар мужасам.

Аёл зати Оллоҳ таоло яратган табиатнинг энг буюк мўъжизаси, деган фикрда теран маъно бор.

Аваламбор, аёл – ўзининг бетакорлиги билан мўъжиза.

Аёл – ўзининг гўзаллиги билан мўъжиза.

Аёл нафакат оиласда, балки бутун жамияти хаётиди меҳр-муҳабbat, оқибат, ахиллик мухитини қарор топтириши билан мўъжиза.

Аёл зотининг хаётини давом эттиришдек курдати, оналик синоати-

нинг ўзи улуғ бир мўъжиза эмасми?

Оқ сути билан янги-янги авлодлар қалбига ўз юртига меҳр ва садоқат, ҳалоллик ва фидойилик фазилатларни сингира олиши аёл буюклигининг яна бир ифодаси эмасми?

Муҳтасар қилиб айтганда, аёл инсонни инсон, оиласи оила кирадиган, хаётини гўзаллик ва меҳрибонлик билан нурафон штадиган мұбтабар зотидир.

Аждодларимизнинг аёлларга нечогли хурмат ва меҳр билан иззат-икром курслатгани барчамизга яхши маълум. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб колган бу згу фазилатлар миллатимизнинг кон-конида яшаб қелмоқда.

Бу бизнинг ана шу азалий қадриятларга содик бўлиб амалга ошираётган бугунки хайрли ишларимизда намоён бўлмоқда.

Шу нукта назардан қараганда, Аёллар ийли муносабати билан белгилаган тадбирларимиз бир ёки бир неча ийлардан чекланмайди, албатта. Уларни изчили давом этириши, бу борадаги оруз-умидларимизни рўёбга чиқариш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Биз буюк келажагимизни яратиш,

хаётимизни фаровон ва ёруғ қилиш мақсадида қандай ташаббус бошмайлик, бу эзгу интилишларимизда аввало муҳтасар аёлларимизга таянамиш.

Инсон манфаатлари ийли деймизми, Оила ийли деймизми, Соғлом авлод ийли деймизми, бу борадаги дастур ва режаларимизнинг рўёбга чиқиши биринчи галда аёлларимизга, уларнинг ақл-заковати, жасорати ва фидойилигига боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда аёлларимизнинг фаоллиги, жамият ҳаётида ўз ўрнини топлаётгани, Оллоҳ таоло уларга ато этган барча фазилатларни тўла намоён киллаётгани “Аёл дунё бешигини төбратади”, деган хўйматнинг тасдиғи эмасми?

Энг мухими, мен ватандошларимга, халқимизга яна бир бор шуни айтмоқчиман: биз ўзимиз танланган эркин ва фаровон ҳаёт куриш, кўзлаган максадмуддаатларимизга етиш, халқимизнинг руҳини ўйтиши йўлида эзгу қадриятларимизни таянч деб билиб, улардан хамиша маънавий куч-кудрат оламиш.

Бу қадриятлар замиридаги аёлга хурмат, аёлга эҳтиром туйғулари жа-

миятимиз маданий савиясини, унинг маънавиятини янги боскичга кўтаришга, инсоний фазилатларимизни янада юксалтиришга хизмат қилади, деб ишонаман.

Биз бу олижаноб йўлдан ҳеч қачон кайтмаймиз.

Муҳтасар қадарлар!

Дилбар қизларим!

Сизларни яна бир бор улуғ айём –

Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин юрақдан муборакбод этман.

Хаётимизни маъно-мазмун билан тўлдириб, умр йўлларимизни мунавар этиб келәётган сиз – азизларга ҳар қанча ташаккур айтсан, ҳар қанча тазым қиссан арзийди.

Толеингиз баланд, умрингиз узок, ризэк-насибангиз доимо бутун бўлсин!

Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## АЗИЗ ОНАЛАР, ОПА-СИНГИЛЛАР 8-МАРТ – МЕХР-МУҲАББАТ, НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК АЙЁМИ МУБОРАК БЎЛСИН!

8-март байрами арафасида ўзбекистон телерадиокомпаниясинын “Кизлар давраси” курсатувининг режиссёри Лутфия Рўзибоева ва курсатувининг иштирокчи кизлар билан сұхбатда бўлдилик.

- Мана З ийларидан ойна жаҳон орқали “Кизлар давраси” курсатувиниң кайта тикилаб ҳалқимизга тақдим этмоқдасиз. Курсатув орқали биз ҳар томонлама баркамол ўзбек кизлари, уларнинг бетакор иқтидори, катта ҳаёт остонасидағи тайёрларликларни кўриб кўзларимиз кувонади. Ўтган ийли сентябр ойида “Кизлар давраси” курсатувининг лобар кизлари Италиядаги ўтказилган истебдодидан ёшларнинг халқаро фестивалида биринчи ўрингни олиб кайтишди.

- Кизларим, - дея хикоя қиласи Лутфия опа, - ўзак салоҳиятли, билимдон, ҳар бири бир неча тилларни эгаллаган, талантли ва санъатга меҳру-муҳаббати баланд ажойиб кизлар. Факат бу кизларнинг истебдодларини юзага чиқариш учун устозлик меҳфи ва фидойилик керак эди. Мана шу фидойиликни бўйни мизги олиб, курсатувлар тайёрлараш жараёнидаги кизлар билан жуда кўп ишлашга, изланишга, тинимизсиз меҳнат килишга тўғри келди ва охир оқибатда мана шу эътиборга лойик бўлдик.

- Голиблик шоҳсупасига зришида мувafaқият гарови нишада деб ўйлайсиз.

- Италия маданийи, санъати, ҳалқи юксак даражада тараққий этган тарихий, афсоний дидер. Мана шундай мўъжизакор мамлакатининг, ҳалқнинг ўзбекорини қозониш, олишибора савовор бўлиши осон иш эмас. Биз ўшларни, тинчликни, дўстликни, шарқона севғи-муҳаббатни ифодаловчи миллий ва халқона эстрада кўйишишларимиз, жозиги раҳсларимиз билан италаи ҳалқи қалбига йўл топа олдик, яъни санъатимизни уларга сингира



## ЎЗБЕТИМНИНГ КИЗЛАРИ ДУНЕ КЕЗАР

бидик.

Дилдораҳон Султонова бизга келажак орзулерини сўзлаб берди:

- Мен келажакда Ўзбекистонни ҳалқаро иқтисодий муносабатларидаги актив катнашиб, ҳаҳон ҳамжамиятига кириб борисида ўз хиссами кўшиш ниятидаман.

Фотима ва Зуҳра Аллаёрова Тошкент давлат юридик институти 4 курс талабалари.

- Онам тез-тез келинлик фазилатлари ҳақида ўйтгилар берадилар, - дея

хикоя қиласи Фотима. - Ўзим ҳам оиласи турмуш ҳақидаги китобларни, ҳадисларни ўқи жуда катта маънавий озқа олайтман. Худо хоҳласа, келажакда севимли ёр, келин, меҳрибон она бўлишга ҳаракат қиласаман.

Зуҳрахондан биз чет эл ва ўзбекистон ёшлари ўтасидаги фарқ ҳақида сўрадик.

- Бизлар улардан ҳаёмиз, ибомиз, шарқона фазилатларимиз билан фарқ қиласимиз. Биласизми, ростдан ҳам мана шу фазилатлар факат ўзбекларга хос экан. Уларда ҳатто ҳаёб, иби деган сузининг ўзи йўқ, яъни бу сўзларинг инглизича таржимаси ҳам йўқ. Биз мана

шундан гурурланамиз.

Биз устозу шогирдлар даврасидан калбимиз завқу-шавқка тўлиб, бир олам таассуротлар билан қайтидик. Ва миллиатимиз келажагининг ишончлари бўлган бу кизларни 8 марта - Хотин-қизлар байрами билан кутлаб, ҳаёт йўлида баҳт ва омад тиладик.

Сұхбатдош: Нафиса  
АННАЕВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МИЛЛИЙ  
ГВАРДИЯСИ ШАХСИЙ ТАРКИБИННИГ ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН РЕСПУБЛИКАМИЗ АЁЛЛАРИГА**

**МАКТУБИ**

Бизни ҳаётга келтирган, "Ўзбекистон Республикаси мунис-мўътабар онахонлар! Сиз бизни оқ ювоб-ок тараф, дастлабки инсонийлик ўгитларини берип тарбия қиларсанисиз келажакли эл-юртга нафи тегадиган, ҳалқарвар фарзандлар бўйиб vogя етишишимизни орзу қилгансиз.

Бизга билдириган биринчи ўта масъулиятни ишончнингиз - бу Ватан химоясилик муқаддас вазифа бўлди. Ҳарбий хизматда она соғинчини, киндиқ қони тўкилган ер исига талпиниши хиссини сездик. Она ва Ватан тушунчалари хамоҳанг эканлигини, биз кимни ва нимани химоя килиши лозимлигини англаб етдик.

Қуролли Кучларимиз Олий Босх Кўмандони, Президентимиз И.А. Каримовнинг 1998 йил 23 февралдаги

харбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қартилиган чора-тадбирлар тўғрисидаги" Фармони асосидаги Республика хотин-қизлар кўмитаси қошида тузилган нуфузли ишчи гурухининг доимий рашида жойлардаги ҳарбий қисмларда бўлиб, бизларга ўз оналик маслаҳат ва ўгитларни берип келишларни Сизларнинг олдингиздаги муқаддас фарзандлар бурчимишни яна-да масъулиятни баҳжармоғимиз лозимлигини эслатиб туради. Сизларнинг оқ фотиҳарларини бозга куч-кудрат бағишилаб, доимо йўлимизни ёритади.

Мунис-мўътабар онахонлар, биз йўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Миллий Гвардияси шахсий таркиби Сизларни ишонтириб айтамизи, берган оқ сутингизни ва ишончнингизни оқлаймиз. Биз Ҳарбий Қасам-ёд талабарига риоя килиб,

ҳарбий бурчга садоқатли бўлишга, ҳалқимиз ишониб топшириган замонавий жанго-вар техника ва курол-аслаҳа-ни пухта эгалашга, ҳар қандай қийинчиликларни сабот билан мардонавор ёнгуб ўтишга, конун устиворлиги, ҳарбий интизомнинг ва ўзаро аскарий дўстликнинг мустаҳкамлигини сақлашга, аждодларимиз шонли анъана-ларига содик Ватан химоячи-ни бўлишга, миллий муста-қиллигимиз, буюк келажаги-миз учун керак бўлса ўз жо-нимизни бағишишга сўз берамиз.

Хурматли онахонлар, опа-сингиллар! Аввалимбор, Сизларни кутлуг аёйм билан чин қалбимиздан кутлаймиз. Сизларга узоқ умр, сиҳат-саломатлийлаймиз. Осмонимиз доимо мусаффо, хонадонла-римизда тинчли ва барқа-рорлик, тўкин-сочинлик бўлсин.

**ОЛАМ МУНАВVARЛИГИ СИЗ  
БИЛАН, МУКАРРАМА АЁЛ**

8 марта арафасида республика миқёсида ўтказилган "Мукаррама аёл" кўрик-тандлови якунланиб голиблар аникланди. Сурхондарёлик М. Холлиева, самарқандлик Х. Имомовалар 1-ўринга, навоийлик Ф. Файзиева, фарғоналик З. Азимова 2-ўринга, Тошкент вилоятидан Л. Аликулова билан Қорақалпоғистон Республикасидан Г. Жолдашева 3-ўринга муносиб топилдилар.

Республика хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари ташабуси билан "Мукаррама аёл" кўрик-тандлови эълон қилинган эди. Кўрик тандлов ўтказилишидан мақсад аёлларинг оила, меҳнат жамоаси ва жамиятга кўшаётган муносиб хиссаларини аниклаш, тақдирлаш, тарғиб этишдан иборат эди. Бу тандловда юртимизнинг кўплаб ажойиб аёллари қатнашдилар. Тандлов ибратли меҳнати, қайнок қалб меҳрини Ватанига, оиласи - фарзандларига баҳшида этаётган аёлларимиз - оналаримизни ўғ бир кўзгу-да акс эттиргандек бўлди.

**Биринчи ўрин** насиб этган сурхондарёлик Менгнор Момо Холлиеванинг босиб ўтган умр йўли ҳавас килса арзигудек. У ўз меҳнат фаолиятини 1958 йилда пиллачиликдан бошлаган. Ҳамон пилладан мўл ҳосил этиштирища пешкадам у. Тадбиркорликка йўл очилгач эса, дон ва пахта ҳам этишитра бошлади. Кўп болали оила-нинг меҳрибон онахони, набираларининг суюкли бувиси бўлган Менгнор момони ўзи яшайдиган Қайран қишлоғи ахли жуда хурмат қиласи.

"Мукаррама аёл" кўрик-тандловидаги яна битта **Биринчи ўрин** совриндори Хонбуви Икромова Самарқанд вилоятининг Пастдаром туманидан. Ҳайъат аъзолари уни "чиндан-да баҳти аёл", дея эътироф этишиди. У бир умр жамоа хўжалигида пахта-корлик қилди. Тонгда ишга кетиб оқшом қайтса-да, 8 нафар фарзандини одобли, комил инсонлар қилиб тарбиялади. Хонбуви опанинг наиралари, эваралари келган куни хонадони тўйхонага айланади.

**Иккинчи ўрин** сазовор бўлган Фазолат Файзиева Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидан. Туманда энг саронжом-саришта хонадоннинг бекаси, ажойиб қайнона, одобли фарзандларнинг севимли она-си сифатида ном козонган.

**Иккинчи ўрин** Марғилон шахри милий хунармандчиллик лицейининг директори Зиёдаён Азимовага насиб этди. Оиласида тўрт нафар фарзанднинг меҳрибон онаси. Ишда эса, талабчан раҳбар. У шахардаги тадбиркор аёллар уюшмаси раислиги вазифасини ҳам бажаради.

"Мукаррама аёл" кўрик-тандловининг **учинчи ўрин** соҳибаси Лола Аликулова-вадир. У кўп йиллар инженер-механик касбидаги ишлаган. Техника фанлари номзоди, катта илмий ходим. Лола опа масъулиятли касби бўйича ишлаб, техникага оид кўп янгиликларни яратган

бўлса-да, бирлаҳза ҳам она эканлигини унутмади. У ажойиб фарзандларнинг волидай муҳтарамаси. Унинг фанга киритган янгиликлари, намунали оилавий ҳаётни ҳавас килгудек. Кўрик-тандловда қатнашган аёлларимизнинг ҳар бирининг умр йўли бир-биридан серзамсунлиги билан ажраби турди.

Шунингдек, тандловда тошкентлик М. Тўлағанова, қашқадарёлик С. Кўчкорова, хоразмлик Э. Ибодуллаева, наманганлик М. Исамутдиновалар намунали онахонларимиздан деб топилди.

Аёл борки олам мунавvar деймиз. Чинданам шундай. Уз меҳнати билан, ўз меҳр-муҳаббати билан, ўз гўзалиги билан ҳәйтимиз мазмуннага мазмун, юрт равнақига равнақ кўшаётган мукаррама аёлларимиз сог-омон бўлишишн...

Басира САЙИД АЛИ тайёрлади

**КУТЛОВЛАР, АШЬОРЛАР, КУЙЛАР ЯНГРАДИ**

8-март аёми ҳар гал республикамиз шаҳар ва қишлокларида алоҳида бир кўтаринки рудга ўтади. Чунки борлика баҳор нашидаси хукм суради. Чунки дараҳтлар куртаги гуллашга, яшнашга шай бўртиб туради. Чунки бинафша яйраб ҷеҳарсини намойиш этади. Чунки, гоҳ ёмғирли, гоҳ кўшёни илик ҳаво, кенг осмон - она Ер қишида ҳориган танга яшаш, яшариши, янгиланиши руҳини баҳш этади. Чунки, яна аёллар - оналар байрами 8-март файзуз шукух... Аёл - она шавнига битилган табриклар, кутловлар, ашьорлар, кую оҳанглар... 8-март муносабати билан "Туркестон" саройи тантанали кечак бўлиб ўтди. Йиғилишин Тошкент шаҳар ҳоқими К. Тўлаганов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг йўзбекистон Республикасининг давлат маслаҳатчиси Хайрийдин Султоной Президент Ислом Каримовнинг йўзбекистон аёлларига байрам табригини ўқиб эшигтириди. Тантана қатнашчилари Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбэр Нулемованинг Соғлом авлод Йилида хукуматимиз томонидаги хотин-қизларга, фарзандларимизга кўрсатиладётган ёзтибор ва фамхўрликлар аёлларимизнинг буғунги кундаги қизғин ҳаётни, орзу-интилишлари ҳақидаги

нүткини катта қизикиш билан тингладилар. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик-ва болалики химоя қилиш котибияти мудири Танзила Норбоева Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан фан, маданият, санъат, адабиёт, таълим соҳасидаги ўз иктидорини намойиш этган қизларни Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш ҳакидаги қарорини ўқиб эшигтириди. Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларига кўкрак нишони ва Дипломлари тантанали тарзда топширилди. Зулфия мукофоти совриндорлари 9 ёшли Гулжоҳ Эргашева, Нодира Курбонова, қорақалпоғистонлик Гулмира Мустапаева юксак мукофот учун Президентимизга, хукуматимизга ўшлар номидан ташаккур изҳор этилдиар. Ўзбекистон ҳаљ шоири Эркин Воҳидов Аёллар-оналарга бағишиланган шеърини ўқиб берди. Ўзбекистон Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Кароматов ва бошча сўзга чиқанлар ўзларининг аёл - она зотини улуғловчи қалб эҳтиромларини изҳор этишиди. Тантана сўнгидаги санъат усталари икросида байрам концерти намойиш этилди.

**ЎЗ МУХБИРИМИЗ**

**ТАНИШИНГ:  
Зулфия номидаги  
Давлат мукофоти  
совриндорлари**

**МУКОФОТ  
МУБОРАК,  
АЗИЗЛАР!**



Баҳор, гўзаллик, нафосат куни - 8-март арафасида йўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарорига бинон бир гурух хотин-қизлар адабиёт, фан, таълим, санъат, маданият соҳасидаги тинимисиз изланнишлари, ютуклири учун Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори деган шарафли унвонни кўлга киритдилар. Биз ёш, зуқу, қобилияти, келажаги порлок кизларимизни мукофот билан қизғин муборакбод этади. Мана улар:

**Гулмира МУСТАПАЕВА** - Нукус шаҳридаги 37-сон лицейнинг 11-синиф ўкувчisi.

**Жамила СОТКИНОВА** - Андикон вилояти, Избоскан туманинаги 6-сон гимназиянинг инглиз ва урду тили ўқитувчisi.

**Ироди ОРИПОВА** - Бухоро вилояти Пешкун туманинаги 11-сон мактабнинг кутубхона мудири.

**Сайёра МУРОДОВА** - Жizzax давлат педагогика институтининг "Умумий биология" кафедраси ўқитувчisi.

**Гулхаё ЭРГАШЕВА** - Шаҳрисабз шаҳар Амир

Темур номидаги гимназиянинг 7-синиф ўкувчisi.

**Феруза РЎЗИЕВА** - Навоий шаҳар 13-сон ўрта мактабнинг 11-синиф ўкувчisi.

**Зулхумор МАХМУДҲУЖАЕВА** - Наманган муҳандислик иктисадий институти 4-курс талабаси.

**Розия ТОЖИЕВА** - Пастдаром туманинаги 6-сон кишилкот кутубхонаси мудири.

**Нодира Курбонова** - Сирдарё туманинаги 41-сон мактабнинг 6-синиф ўкувчisi.

**Шоҳиста МАХМАРАИМОВА** - "Жарқурғон ҳакикати" газетаси мухабiri.

**Рұхсора ТЎЛАБОЕВА** - Ўрта Чирчик туманинаги 14-сон мактабнинг 10-синиф ўкувчisi.

**Дилфуза СОДИКОВА** - Марғилон шаҳридаги "Истиқбол" nomli гимназиянинг 11-синифида ўйиди.

**Дилраб ЖУМАТОВА** - Хоразм вилояти Янгиарик туманинаги Кори-Ниёзий номидаги мактабнинг 9-синифида ўйиди.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА** - Муҳтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси аспиранти, мусикий-назарий фанлар ўқитувчisi.

**Сайёра МУРОДОВА** - Жizzax давлат педагогика институтининг "Умумий биология" кафедраси ўқитувчisi.

**Гулхаё ЭРГАШЕВА** - Шаҳрисабз шаҳар Амир

**Гулхаё ЭРГАШЕВА** - Шаҳрисабз шаҳар Амир</p



## СОГЛОМ ОНАДАН СОГЛОМ БОЛА ТОМОН...

Хотин-қизларимизнинг бу йилги байрами алохида хосиятга, аҳамиятга эгадир. Бу йилнинг Соглом авлод йили деб аталиши, бу борада амалга оширилаётган ва оширилажак кутлуғ ишлар хотин-қизлар зиммасига алохида масъулият юклайди. Худди шуннингдек, хотин-қизлар кўмиталарининг бу борадаги фаолизтига ҳам алохида мазмун, моҳият бағишилади. Зеро, аёл, яны она билан бола - эт билан тирнокдек табиатнинг мўъжизаси. Уларнинг саломатлигини, маънавиятини айро тасаввур мушкин эмас. Качонки она жисмоний саломат, маънавий даврияси баланд бўлса, ўз ўрни, ҳак-хукуки, қадрини яхши билса, моддий таъминларнинг бўлса, бундайде аёл тарбиялаган фарзанд эртага бир кун юртнинг, ҳалқининг корига ярайди. Бирон бир соҳанинг жонкуяри бўлиб етишади. Мана шу нуктаи назардан келиб чиқкан холда биз бу йил "Соглом онадан соглом бола томон" шио-ри остида ўз иш фаолиятимизни янада кучайтиришини рёжайтишади.



лаштирганимиз.

Мана шу максадда 375 та махаллада хотин-қизлар кўмиталарининг ишларини учун алохида кабинет очишига ва уларни керакли жиҳозлар билан таъминлашга эришдик.

Бундан ташкари хотин-қизларнинг ҳукукий маданияти ва садохонлигини ошириш максадида "Кишлока ҳукукушнос келди" ойлигини ўтказдик. Бунда ҳукукушнос, ётук мутахассислардан иборат 4 та гурӯҳ барча туман ва шаҳарларда, махаллаларда, ақсарият хотин-қизлар ишлабётган мөхнат жамоёларида учрашувлар, савол-жавоб кечалари уюштиридик.

Оналар ва болаларни согломлаштириш, уларни жисмоний тарбия ва спорт ишларига жало қилишга катта аҳамият берадигиз. 240 нафар аёл иштироқида оила мусобакалари ўтказилиди, 30 мингта яқин аёл 25 та спорт секцияларига жало этилди, 250 нафар кўп болали оналар ва камкон болалар ўз саломатликтини тикишларли учун "Ахмад ал Фарғоний" сихатохига юбошлиди.

Шуннингдек, "Ахолини иш билан таъминлаш кафолатлари"га мувоффик, 4625 нафар аёл ижтимоий химояга олинди. Вилояти-мизга Германиядан "Пфафф-Зингер" фирмасининг тикувчилик дастгоҳларини олиб келиб ўрнашти хисобига Їёвон, Ўзбекистон, Фарғона, Бувайда туманларида янги иш ўринлари ўратилиди. 2215 та кўп болали ва ногирон фарзандлари бўлган оналар иш билан таъминланди. Бундан ташкари, вилоятимизда касаничилик ишини ташкил қилишга қўмаклашиш максадида тикувчилик, миллий кийимлар, зардўзлик, каштачиллик бўйича ўкув курслар ташкил этдик.

Тадбиркор аёллар ва уларни кўллаб-куватлаш ишлари ҳам эътиборимиздан четда колганий йўқ. Фойдаланилаётган бинонлар тадбиркор аёлларга ижара берилди. "Мехнат, бандлик, оиласи ижтимоий муҳофаза килиш", "Бизнес фонд" бўлимилари томонидан тадбиркор аёлларга муайян кредитлар берилишини таъминладик.

Президентимиз И. Каримов "Соглом авлод" дастурини бажарышда доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат килиш Республика комиссияси мажлисида дастурни ижро этишининг йўналишиларини қайд этдилар. Ва биринчи йоналиши сифатида балофат ўшидаги қизларимизни мактабдада - ойлавий ҳаётга психолого-жисмоний ва тиббий жиҳатдан тайёрлашни йўлга кўйиш зарурлигини таъкидлайдилар. Ҳакикатан ҳам, бу биринчи аҳамият берилишимиз керак бўлган масаладир. Чунки бугунги киз эртага она булади. Қизларимизнинг ҳар томонлами саломат бўлиши эртагина миллат келажагининг саломат бўлишишидир.

Мен пайтдан фойдаланиб, барча опа-сингилларимизни байрам билан табриклийман, бахт-саодат ёр бўлишини тилаб қоламан.

Гулнора МАЪРУФОВА,  
Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари,  
хотин-қизлар кўмитаси раиси

## ЖАННАТ ЎЛИН ҲИДИ БОР, СЕН БОСДАН ҲАР БИР ИЗДА...



Мен хаёл отига босдим-у қамчи,  
Онахон йўлингдан кесиб ўтмадим.  
Мардона чавандоз бўласам-да гарчи,  
Қаршингда тиз чўкмай олга кетмадим.  
Дунёни кездим мен, кездим кўп йирок,  
Изладим оламда нима кучлироқ?  
Аёл муҳаббатидан танҳо, муҳимроқ,  
Топмадим дунёда, кучисан бироқ.  
Бу ёргу оламда тенгиз бир кудрат,  
Ёлғиз ўзинг экан билсам, онахон.  
Оналик меҳрингнинг киёсиган фақат,  
Коинотдан топдим - бу мен учун шон.  
Кенг осмон экан-эй бу сенинг бағринг,  
Юлдузлар экан-а, қалбда ардоғинг.  
Кулиб турган ўзинга бу кўкдаги Ой;  
Лолман, сен зулматни ёритган чоғинг.  
Тоғ узра кўёш бўлиб чиқасан,  
Олтин сандигингни кулиб очасан.  
Сен шундай сахиисан, одилсан, Қоёш,  
Жаҳонни яратиб нуринг сочасан.  
Бардошингга қиёсим бўлди бу - Замин,  
Заминдай вазмидир ироданг ҳар чоғ.  
Дилдаг дардларинг сўзласам барин,  
Бу - Ернинг кўксини ўйбид чиқсан тоғ.  
Сен Оллоҳ яратган мўъжиза, ишон,  
Муқаддас аёлсан - борликдан нишон.  
Сенинг борлигинг чун яшайди замон,  
Десам, онахоним, сўзимга ишон.  
Мен хаёл отидан тушдим-у шошиб,  
Сенга интиламан шамолдан ошиб.  
Кел, сени ардоқлай, онахон, кучиб,  
Менинг фарзандлик меҳрим оқмоқда тошиб.

Саодат КУРБОНОВА

Термиз шахри

Жаннат гулий ҳиди бор, сен босган ҳар бир изда  
Оғир меҳнат изи бор, қадоқ бўлган кўлингда.  
Лабларингда табассум, меҳр балкир ўзингда  
Меҳрибоним-мунисам онахоним-онахон!

Сочларингга ғам-андуҳдан оқ топалар тушибди  
Фарзандларинг камоли сени ўйга солибди.  
Дуога очиб кўлинг баҳт тилайсан бизларга  
Меҳрибоним-мунисам онахоним-онахон!

Онахоним, мен албат, яхши фарзанд бўламан  
Халқ пойига бош эгиг хизматини қиламан.

Лайло ШОМУРОДОВА,  
Оқдарё туманидаги  
23-мактаб ўкувчиси

Тўмарисдай аёллар бор юрт иймони,  
Маликалар шаҳаншохи Бибихоним,  
У темурий салтанатнинг ярим шаъни,  
Шараф тожин кийса кутлуғ аёл зоти,  
Ким у она, у эркакнинг зурриёти.

Пайғамбарлар онаси ҳам қай бир хотин,  
Ё насоро, ё арабий, ёҳуд лотин,  
Расууллоҳ ўксак тутмиш аёл отин,  
Шараф тожин кийса кутлуғ аёл зоти,  
Ким у она, у эркакнинг зурриёти.

Ҳаққа тенг дўст, шундан номинг "ёр"ми аёл?  
Бу оламда бани башар ярим аёл.

Давлатнинг ҳам, миллатнинг ҳам шарми аёл,  
Шараф тожин кийса кутлуғ аёл зоти,

Ким у она, у эркакнинг зурриёти.

Шафоат РАҲМАТУЛЛО ТЕРМИЗИЙ

Жисмингизда уфургай оналик ҳисси,  
Болам, бўтам, дея тинмайсиз, аёл.  
Гоҳ давлат ишида, гоҳ ўйнинг иши,  
Кечак ёндузни билмайсиз, аёл.  
Аввало фарзандлар одоб, Йўлми  
Туғилаға ўйдан - Сиздан олгайлар.  
Падарни севиши, юртни севиши,  
Меҳр-муҳаббатни Сиздан олгайлар.  
Сизнинг чехрангизда ойни кўрайин  
Турфа ранг яшнаган гулларни кўрай.  
Латиф чехрангизда мунгни кўрмайин,  
Сиз сира йилгаманг, шодумон кўрай.  
Чўлпон кўзингизда кўёшни кўрай,  
Коядек мустаҳкам турсин киркта жон.  
Оллоҳдан Сиз учун улкан баҳт сўрай,  
Фарзандлар бошида туринг. Сиз омон!

Ражабий ЖЎРАЕВА

ТАСАДДУК  
(ҳазил лапар)

Иигит: - Саккизинчи март бугун, тасаддук.  
Ҳамма дадил, мард бугун, тасаддук.  
Эркакларнинг шаънига, тасаддук,  
Юқтиримаймиз гард бугун, тасаддук.

Киз: - Гул ғунча, гул ғунча, тасаддук,  
Қўйинг, бизга кулгунча, тасаддук.  
Ушланг, калкир-чўмични, тасаддук,  
Уй бекасиз бугунча, тасаддук.

Иигит: - Бўлолмадик ёқа-енг, тасаддук,  
Келолмадик сизга тенг, тасаддук,  
Тайёрин ола колдик, тасаддук,  
Чувварадан қани енг, тасаддук.

Киз: - Сизда гап қанор-қанор, тасаддук,  
Билмаса айтмас, бекор, тасаддук,  
Эллака чиқсан эрони, тасаддук,  
Эллик оғиз гали бор, тасаддук.

Иигит: - Шоти кўйдик шоҳона, тасаддук,  
Тушинг сал бир поғона, тасаддук,  
Хўп бизни ҳоритдингиз, тасаддук,  
Бугун байрам баҳона, тасаддук.

Киз: - Хорғинлик торта-торта, тасаддук,  
Гапирманг, шартта-шартта, тасаддук,  
Март байрами бир йилда, тасаддук,  
Яхшиямки, бир марта, тасаддук.

Тўлан ТАБАССУМ

Келинжон, мен сиз сингари янги келин бўлиб тушганимда кайнона бувим ҳам бор эдилар. Улар ҳам қайнона бувижонингиз сингари уйнинг тўрида, қалин кўрпачалар устида, юшмоқ ёстикларга суюлди, фаришталикни бўлиб ўтирадилар. Бувижонингизга ўшҳаб неварав келинларни улар ҳам эркалаб, ўзларига атаб фарзандлар унварлар олиб келишган тансик нозу-неъматлар билан бизни сийларидилар. Узун енглари ичдан чиқиб турган сертомир кўлларида тансик нарсаларни бизга узатар эканлар, ҳар гал: - Еб олинг, жон болам! дердилар.

Баъзида уйда иккимиздан бўлак ёч ҳим қолмасди. Шундай пайтларда ишларимдан кутулиб, битта чойнада чой дамлаб, олдиларига келиб ўтиришини яхши кўрардим. Утмиш хикояларидан сўзлаб беришлади:

Кейин билсам, катта ойимлар бу сухбатлар давомида менга "Бедилдан" - янги турмушдан, келинжон, ўй-рўзгор ишларидан сабок берар эканлар.

Эсимда, кунларнинг бирда у киши менга бир ривоят мисолида қандай келин бўлмаслик хакида уқтирган эканлар. Киши одобри ўзига маъкул бўлмаган, эриш туилинг хулодан, янын беодблиқдан ҳам ўрганиши кераклигини англатган эканлар. Бир умр эсимдан чиқмайдиган ўша кунги хикоянинг магзини чақсан, у киши менга "сен шундай келин бўлма, болжакном!" деганлари экан. Истасангиз, ўша хикояни сизга айтиб бераман.

...Қадим замонда бир подшо ўз келинини уқусизлигидан жуда кўйибди. Лекин у жуда оилапарвар, адолатли подшо экан. Тезлиқ кўлмабди, кескин хулоса чиқарип, ҳозирги айрим бойвачалардек келинини ўйнга молу-давлатни бисер қилиб олиб бориб кўймабди.

Масалани ача босикилк билан ўргангандан подшо ўзарни давлатидаги турмушга чиқариладиган қизлар тарбиясига ахамият бериши ҳақида

Подшо бу фармонини беришдан аввал бутун мамлакати бўйлаб ўз хос кишиларини юборибди. Уларга ҳамма вилоятларда бўйлаб, келин тушган оилалар ҳётини яхшилаб ўрганиши буорибди. Яхши, баҳти оилаларнинг ибратли томонини намуна килиш зарурлигини утирибди. Келинidan куйган оилаларга ало-

Кўрсангиз, ҳавасингиз келади. Ақл-хуши, гайрати ҳам етарлидек. Аммо ёч иши олдинга босмайди. Киглан ишини кўрган одам, "Қайси кўлинг сингур килиди?" - дайшидан ўзини аранг ушлайди. Ишлари шу дараҳада пала-партиши. Ҳамма ишга баробар уннайди, менг беринг, деб

кир кўллари билан ишқалайди. Қўзини ишқаб келгунича сут тошади. Қумғон қайнаб жўмракдан тошган сун оловни ўчиради, атрофни кул тўзони коплайди. Сунти идишга солаётти ё ярмини тўқади, ё хурмачани тиепи юборади.

Меъёр, ўчков тушунчалари унга бегона. Идиш-товоқни кат-

бўлиб тушган жойда ҳам қизлар асло "сен" ламасин, ҳамиши "сиз" лансин деб буюриби подшо. Қизлар билан муомалада овоз кўтарилимасин, қўл югутирилимасин, токи улар бошқалар билан муомалада муййозлика ўшилдицан ўрганиб борсинлар. Қизлар оёқ чиқаргандаридан ўз ёши, кувватига қараб ўюмушларига солинсин, токи улар озода ва сараштлика кичикликдан ўргансинлар, катта-кичининг хумматини жойига кўядиган бўлсинлар. Қизлар доим мөхра ва ардоғда бўлғинларидек, токи келин ва она ҳаммага меҳрибон, шамчироқдек нур таратсинлар, дейлибди фармонда. Яна ўша фармони олийдаги мамлакатдаги қизларни хаётта тайёрлайдиган маҳсус мактаблар очисин, уларга ёнги оқила, зуко, кўли гул чеварлар, пазандалар, сухандонлар, отинчалар даро берсинглар, бу мактаблар учун зарур ашёлар давлати ҳазинасидан олинсин, токи ҳамма фуқаролар бўлсинларки, биз оила устуни, чироғи бўлгар аёл, қизлардан ҳеч нарсан азмаймиз, зеро оила фарогати давлат равнакидир... деган кўрсатмалар ҳам битилибди.

Подшохнинг ўша фармони олий кучига киргандан кўп ўтмай подшо тўғри иш туттанинг англабди. Негаки, очилган бу янги мактаблардаги биринчи бўйлек бўлса-да, "ниҳмаган жондан умид" деганларидек, унинг келини ва қизлар, келиндан нолиган қайноналарнинг келинлари ўқишган экан-да.

Ўша фармоннинг бир бандида подшо ўғлига келин қидириб сочвичли килиб юрган аёллар кирган ҳовлиларнинг орасатлигига, ошхона-юқобошининг йигинчи оқлигига, ҳатто жоҳатхонанинг тозалигига ётибор берсинглар, иложи борича ўзлари танлаган қизни ёки бу ишини, хизматини кўриб синасинлар дейилган экан.

Шу-шу, қизлик ўй бир қарашда ажralиб турдиган сараштаки, келинлик ўй эса фариштаки бўлган экан, болал!

## ШУКРИЯБОНУ

# МЕННИНГ НАБИРА ҚИЗИМ...

Набира қизим Сайёрани ҳали у тугилмасидан один кўрганман. Ишонмайсизми? Бу - бор гал!

Кизимнинг биринчи фарзанди Шоқиржон түглигач, орадан тўрт ой ўтмай, Яратганинг ўзи унга яна ҳомила ато этди. Кўлида эмизикли бола билан бошқонги бўлиб, хўт қийналди. Бу ёкда келининг вазифаси, қайнона-кайнота хизмати. Кизимга ачиниб, ўйлай-ўйлай бўшим котди. Орадан бир ярим-икки ой ўтгач, қизим шошилиб бизнисига кириб келди. Ўша куни соғлиғим ёмонлашиб, мен уйда эдим.

- Ойижон тезигина мени танини дўхтиларини глиб боринг. Кўлимда йўлланма бор. Ўдагилар: "Бориб, тезроқ олдириб кел", - дейишиди. Рози бўлишиди. Шу бугунъ яна ўйга қайтишим керак. Шоқир йиглаб қолади, - деди.

Биласизми, шу чоғ тўрт-беш ҳадам нарида бир ёшлардаги қизалоқ пайдо бўлиб, мен томон юриб кела бошлади. Ҳа, худди шундай бўлди. Мен котиб қолдим. Қизча оппоккина, дўмбоккина, кўллари кўкиш, беғубор, илтижоли.

- Йўк, Севар, олдирмайсан! - дедим катьиийлик билан, - сен киз кўрасан. Жуда ширин қиз, мен уни кўрдим. Ҳа, ҳозиргина кўрдим.

- Ахир ори, жуда қийналиб кетдим. Ҳадемай, иккита ёщ болага қандай карайман. Қишлоғизмада газ йўк, иссиқ сув йўк...

- Мен ўзим ёрдам бераман, жон қизим, бир ўғлинг, бир қизинг бўлганинг яхши эмасми?

Хуллас, қизимни кўндириб, ўйига жўнатиб юбордим. Вакти-соати этиб, қизча туғилди. Исламини ҳам ўзим қўйдим - Сайёра! Ўша руҳи менга кўринган оппоккина, дўмбоккина, кўзлалири кўкиш қизалоқ. Ўнг бетида кулгичи ҳам бор. Лаблари гунчадек. Бурнилари чимчилаб олган-

дек. Кудам: "Мен ишдан қолломайман!", - деганинчун "Бир ой қараб бераман", - деб қизимни чақалоғи-ю, ўғли билан уйимга олиб келдим.

Биласизми, ўша киз - Сайёра бўйларни самбидтек, гўзлар кўлиб вояга етди. Оиси ҳам, дадаси ҳам унчи севишиди. Олти ёшида акаси Шоқир билан баб-баравар мактабга бориб, аъло баҳолар билан ўқиди. Ҳозир у тибиёт билим юртнинг аълочи талабаси.

Кизига шундаки, у кўпроқ ойисига эмас, менга ўхшайди. Адабиётга, санъатга қизикиши, табиити нозилиги, таъсирчанлиги, ёмонликдан қийналиб, яхшиликдан беҳад завқлашини ўхшайди. У ёза бошлади. Унинг мавзуси ноҳақликни қоралаб, ҳакиқатни юзага чиқарши. Ўтган илини "Тонг илдуз" газетасида "Яшасин, ҳакиқат" номли хикояси босилиб чиқди. Мен уни йиглаб ўқидим. Севинганимдан, фахрланганимдан йигладим. Унинг кела-жақда истеъоддли ёзувчи бўлиб етишини орзигилганимдан йигладим.

- Ҳамширалик битта ҳунар, бувижон, - деди Сайёра, ҳунар зарар кильмайди. Лекин билим юртни битиргач, насиб килса, албатта университетга кираман. Журналист буламан, бувижон сизга ўшҳаган журналист!

- Сентмендан яхширок журналист бўлгинг, она қизим. Илоҳим ништинганга ет! Энг муҳими ҳайётда баҳти бўл! Муносиб ўрнингни топ! Яхши оилага келин бўл! - деб кечка-кундуз дуо килади. Менингни ҳаммада багримга босиб-босиб тўймайман. У билан мириқ-мириқиб сұхбатлашаман...

Кўйда набира қизим Сайёра Жўраеванинг ўзустози ҳақида ёзган кичик лавҳасини ўқишиз.

Санъат МАХМУДОВА

Устоз - бу сўзни илк бора мактаб даргохига кадам кўйганимизда эшитганимиз ва тилга олганмиз. Ҳамда шу хотибизга энзиз инсон болиб юрган.

Мана энди, тўққизинчи синфни битиргач, тиббиет билим юртига

## АЗИЗ УСТОЗИМ

ўкишга кириб, яна кўп азиз устозлар сабобини олиш баҳтига мусасиб бўлди. Гурухимиздаги қизлар билан танишиб олдим. Энди эса бизга билим берадиган устозларимни кўргим ва тинишинг келарди.

Биринчи дарсизмиз она тили бўлди. Ўшандага хонага ўрта бўйли, кўзлари кўк, ок-сарқидан келган, 40-45 ёшли чамасида, кулиб турвич, самимий бир аёл кириб келдилар. Ва ўзларни танишиштирилар!

- Мен сизларга бўлундан бошлаб она тили ва адабиётдан дарс бераман. Исми-шарифим Тоҳижӯхаева Холниса Султоналиевна. Келинглар, қизлар бўгундан бошлаб ахил бўлайлик, - дедилар.

Холниса опамлар биринчи кундан бизни ўзларига мафтун килдилар. Чунки улар ўз дарсларини ўкувчига тушуниларни бўлшичи учун мавзуза дуро дўргизмалар, мисоллар билан ўтадилар. Мавзу қоидларини обдон тушуниргач, аста

ғазал ўйидилар ва бизга шу фазални таҳтили қилишини буюрадилар. Шунда ҳаммамиз қизиқиб, бирин-

чи бўлиб жавоб беришга интиламиз. Ўзларни газал ўқисалар, дарсларни тушунтирсалар гёй саҳнада рол икро ётётган санъаткорларга айланадилар.

Шундай қилиб дарс қандай ўтиб кетганини сезмай қоламан ва

## АЗИЗ УСТОЗИМ

ҳар гал адабиёт дарси бўладиган кунни интизорлик билан кутаман.

Кейин билсам, Холниса опамлар шу билим юртимизда олти йилдан бери дарс берар эканлар ҳамда маънавий ишларни, турилдибаририларни ўтказадиган. Уч фарзанднинг мунис онаси бўлмиш бу устозим билзарни ҳам бўзарниларидек, савадилар. Аммо, дарс тайёрламайдиган, одобрисиз қизларга кўп насиҳатлар килишдан чарчамайдилар.

Мен аввалидан она тили ва адабиёт дарсларини севиб ўқирдим. Бу ерда ҳам гарчи соҳамиз тиббет бўлса-да, адабиёт дарсига янада кўпроқ қизиқиб қолдим. Чунки шу дарсга кирсан, севимли устозимни кўрсан ич-ичимдан қуонви ketаман.

Шу азиз устозимни ва барча узотзаримни чин дилдан байрам билан табриклийман ва узок умр тилайман.

Сайёра ЖўРАЕВА, Тиббиёт билим юрти талабаси



# ВАҚТ ДАВО, ЮПАНИБ ҚОЛАСИЗ

Бечора О.Т., ёш бошингизга тушган кулфатларни дил изхорингиздан ўқиб, сизга ачимдин. Моддий томондан ўта таъминланганлик тарбиянгизни бузиб, ўғирлик йўлига кириб кетганингиз бошқа шундай ота-оналарнинг кўзини очиб кўйса ажаб эмас.

Мен саргузаштингиз билан таниша турибди. «Энди бу йигитга оракўларик, нашавандлик ва энг ёмони катта-катта ўғирликлар қилиш орқасида қамалиб кетса керак», - деб хаяжонлансан, йўлингизда «баҳт куши» пайдо бўлиб, (мен уни шундай атадим, чунки севгилингиз ўз хулк-атвори билан сизни

бахтга етаклабди) ҳаётингизни безабди. Бунинг устига унинг ота-онаси кемпидан зиёда таъминлашибди. Айтибисизу: «Ҳаётимиз жуда чиройли кечарди. Кайнотам мени ва отамни каттароқ ишига ўтказиб кўйди. Менга эса алоҳида квартира, чет эл машинасини совфа қилди. Ўлим Б. түтилганида эса битта ҳовлини суючини тариқасида ҳада этиши», - дебсиз. Кўриб турибисизи, осонликча меҳнатсим кўлга кирган бойликинг эрта соворишлиши ёки кишига вафо қиласлиги аник. Эссиз, хотинингиз ва оиласининг душманлари унинг бошига ети-

шибди. Бир сиз эмас, эшитган ҳар бир кимсса дилини ўртадиган машвоҳ вукеа рўй бериди. Мол-дунёнинг кули булган ўғрилар суюкли хотинингизни умрига зомин бўлиби. Бунисон ақлига сифмайдиган ёвузлик. Шундай фарофати дамлардаги рўй берган ноxуш вукеалар дилини хира қилади-да.

Эссиз, ёвузлик туфайли гулдек оиласигиз барабор бўлиби. Оллоҳ ўз муштипарни ўз раҳматига олган бўлсиган!

Калби изтироб-ла ёнган О.Т., сиз: «Мен хотинингизни хотиради билан ўтмоқчиман», - дебсиз, тўғри, яхши хотинларга ҳайкал кўйса, ёди билан ўтса

арзиди. Лекин бир ярим яшар норасида ўғлингизнинг тақдирни не кечади? Унга мөхрибон кимса - аёл керак-ку!

Вақт энг яхши даво, бойлоп топиш учун чет элга кетишини қолдириб, шу ерда нима биландир, бошқа иш билан юпанинг.

Қайнинглингизнинг севган йигити бўла туриб, ота-онаси сизга хотинликка тақлиф қилишган бўлса, ундан воз кечинг. Ажаб эмас, кодир Оллоҳ одамийлигингиз учун сизни бошқа бир мўмин-муслима билан рўбару қиласа-ю, баҳтингизни тобиқ кетсангиз. «Астайдил Оллоҳга итилоҳ қилинг, шундай муборак рамазон ойларидаги бунга шояд эришсангиз.

Афифа ХАСАН қизи

## ЎЗ ЖУФТИНГИЗНИ ТОПИНГ

Хурматли О.Т., шу ёшгача сиз анича кувончила ва қайгули кунларнинг гувоҳи бўлибиз. Кўп нарсаларга эришибисиз.

Энди сиз виҳодан иш юритинг. Қайнотангиз сизга кичик кизини бермокчи экан. Сиз асло бунга рози бўлмаган. Чунки қайнинглингизни ўз ўз севганини ўтмади. Бу дунёдан ёлғиз ўтмаган факат Оллоҳга хосидир. Сабр-бардоши бўлинг. Вақти келиб бир оқила аёлга кўнглига кўйиб, уйланишингиз мумкин. Ҳаётда ўз жуфтингизни топишингизга ишончим комил.

Дилафруз НИЁЗОВА

Тошкент шахри

## ҚАЛБИГА ЎЙЛ ТОПИНГ

Мақолани ўқиб жуда таъсирандим. О.нинг севганига садоқатлилиги, ўғлининг меҳрибон отаси эканлигига ишончи ҳосил қилдим. О. ўзингизни кўлга олиб ҳали ҳаёт олдинда эканлигини унтуртган! Қайнотангиз ва қайнотангиз сизга жуда яхши маслаҳат беришибди. Аввалин сиз кизни розилигини олинг. У киз билан утрашинг. Кўнглини тополсангиз, турмуш куринг. Киз рози бўлмаган тақдирда ҳам кўнглига ўйл топишга харакат килинг. Сизни бошқа аёл билан турмушингиз ташвиши бўлиши мумкин.

К. МИРСОАТОВ

Тошкент вилояти,  
Паркент тумани

**ЭСЛАМАТ:** Отамниң эркотай ўғли эдим. Отамниң иши орқага кетгач, мактабдан кочиб ўтирик ҳам қилдим. Лекин олийтоҳга кириб ўқиб бошлагач, бир киз билон танишдим. Ҳинга уйланниб бахтли яший бошладим. Ҳорижга кетган кунлоримнинг бирда уни ўтириб қолавердим. Энди эса мени қайнинглимга ўйлантиришмоқчи. Унинг эса севган йигити бор....

O.T.

Тошкент

## ДАРДНИНГ ДАВОСИ ВАҚТ

Хурматли О.Т., мен сизнинг дил изхорингиз билан яқиндан танишиб чидим. Сизнинг бошингизга тушган ишлар ҳар қандай йигит учун албатта катта йўқотишидир. Турмуш ўртоғингизни Сиз учун қилган ишларига тассан, койил колмасдан иложим йўқ. Чунки бундай ишларни бажариш ҳар қандай қизнинг ҳам қўлидан кела-вермайди. Худо сизга сабр-тоқат берсин.

Қайнинглингизга эса ўйланманг. Мен хозир ўзимни уни ўнрига кўйиб кўриб шундай фикрга келдим. Агар унга ўйланманам десангиз у ота-онасини ҳурмати, опасини ёркин хотиради юзасидан, сизга ва фарзандингизга бўлган меҳри билан ҳеч ҳам йўқ дей олмайди. Тўй маросимларни, опасининг тўй кунги бахтли дақиқаларини, сизни қандай севгандарини ўз кўзи билан кўрган. Бундай дамлар ҳеч қачон унинг кўз ўнгидан кетмайди. Сизларни кўрган сайин ундан баттар эзилади. Турмуш курган тақдирларинда ҳам агар у опасига ўшамаса, ўрнини босолмаса, у билан бирга яшолмаслигингизни кеч тушунсангиз, опасини ҳеч ҳам унтуломассангиз ўнда нима бўлади?

Турмуш курсаларингиз ҳам у сизни бахтли қилиш учун, фарзандингизга эса она бўлиш учунгина яшиади. Сизларни бахтингиз учун ўз севгисини курбон қилишига тўрги келади. Шунинг учун у қизга ўйланманг. Турмуш ўртоғингизни оила аъзоларидан ҳам ҳеч ўз ўирманг. Бирга колишига ҳаракат қилинг. Шунда Сизга ҳам, фарзандингизга ҳам яхши бўлади.

Хар қандай оғир дарднинг давоси - вақт дейишгандай, вақт ўтиб сиз яна севиб қоласиз ва албатта бахтли бўласиз.

ШОХИДА

Фарона вилояти,  
Бувайда тумани



## ХОТИННИНГ ХОТИПРАСИ БІЛАН ЯПАЙМАН<sup>9</sup>-49-СОН

### ЭЗГУЛИК УЛАШИБ ЯШАНГ

Дўстим О., сизнинг - ёш йигитнинг дил ҳасрати мени шунчалик ўйлатиб кўйдими? Оиласигизи, аёлнингизни асролмаганингиз. Бу ҳол бўлишига фақат ўзингиз абдорсиз деб бўлмайди. Сизнинг қайнотни-қайнотнингиз сизга қайнинглингизга кўмак бермасдан фақат бойлик кетидан чопишингизга замин яратишган. Сиз бошқаларни хурмат қиласангиз, бошқалар ҳам сизни хурмат қилишади. Мустаҳкам, оиласигизни химоя қилишга тай-

ёр бўлмаган ҳолда ўйлангансиз. Севги бу восита. Оила курдингизми, бу гўшави тавандек саклашингиз керак эди. Дильтизорингизни охирида «Хотинни хотиради билан яшайман, ўйланмайман», - дебсиз. Қуруқ хотиради билан яшаб бўлмайди! Ўғлингизга кўнгил кўйинг. Оиласи кам-кўстини тўлдирирган. Қайнотна ва қайнотнингизни сизга қайнинглингизни оила аъзоларидан ҳам ҳеч ўз ўирманг. Фарзандингизни камолини ўйладиган оқила аёл қидиринг. Колган ҳаётингизни факат кишиларга эзгулик, яхшилик улашиб яшанг.

дагилар мени ҳам мақтаб, кўкларга тубари, канча қизларни олиб беришиб мокчи бўлишиди. Мен ҳаммасини рад этиб, ўзим севган бир аёлга учрадим. Қейинчалик ҳаётимиз ўз ўнрига тушиб кетди. Хотинингиз хотиради олдида пок бўлишини истасангиз, уни синглисини олишдан бош тортинг. Севган йигити билан оила куршиларига ҳалақит берманг. Фарзандингизни камолини ўйладиган оқила аёл қидиринг. Колган ҳаётингизни факат кишиларга эзгулик, яхшилик улашиб яшанг.

Воҳобжон ТОЖИЕВ  
Тошкент вилояти

## ҚАЙСИНГЛИНГ БАХТИГА ЧАНГ СОЛМА:

Маколани ўқиб, бефарқ, бўлолмадим. Укамис имсларни тўлиқ ёзмабди.

Уқажон! Сен ўз ҳаётингни қийинчилиги изтироблар билан бошлабсан. Бундан асло хафа бўлма. Инишооло, бундан кейин бахтли яшаб кетасан. Аммо, сендан илтимосим, қайнинглинг баҳтига чанг солма! Кўра, била туриб уни ҳам, ўзингини ҳам ўтга ташшама! Агар сен севишганлар севгисига раҳна солсанг, бу ҳаётингдаги иккича фожеянг бўлади. Яхшиси қайнона-қайнотнинг яхшилаб тушунти. Отани ишдан кетиб, озигина қийинчиликларга чидай олмасдан, иродасизлик килиб, қандай кўчага кириб колганингни ҳем қачон унтути! Бу ҳаётингда катта сабоб бўлсин. Ўғлингизга эзтиборлиро бўл! Ўғил боланинг тарбиясида ота мухим рол ўйнайди. Сўнгра баҳтигни изла! Хали ёшсан, баҳтигни топасан. Факат ишонч, оразу-умид билан яшаган.

Жамила ЭШОНКУЛОВА,  
Тошду талабаси

## СИЗГА ҲАМ ЁРУФ КУНЛАР БОР

Мен сизга чуқур ҳамдардлик билдирам. Илтимос, қайнинглингизни баҳтиз килимang. У ҳам севгани билан баҳтиз бўлсин. У сизга турмушга чиккан тақдирда ҳам ҳаёли севгани билан бўлади. Қайнотнингизга шуни тушуниригандан. Шунда сиз жуда тўғри йўл тутган бўласиди. Хотинингиздан сизга ўғлингиз ёдгорлик бўлиб колибди. Энди умрингизни ўз ўғлингизга мөхриб он топилар. Хозир эса сиз факат бағишланганди. Қейинчалик сизга сизни тушунган умр йўлдош, ўғлингизга мөхриб он топилар. Хозир эса сиз факат бағишланганди. Ҳаётингизни жонига қасд қилгандардан жуда нафртландим. Уларнинг ҳам оиласи бордир. Уларга битта менинг эмас,

бутин ҳалкнинг қарғиши уради. Уларга минг лаънатлар бўлсин. Шундай гулдек оиласи парчалашади. Энди сиз сикилманд, озигина ўзингизни ҳам ўйланг. Хотинингизни руҳини шод қилиш учун ўғлингизни бутун меҳриниг билан тарбияланг. Қайнинглингизга зинкор ўйланманг. Ўзингизни баҳтизлигингиз етмагандай, уни ҳам баҳтиз қиласиз. Аксинча унга ёрдам беринг, севганини етишсан. Шунда у сиздан бир умр миннадор бўлади. Янада сизга ҳурмати ошиди. Ойнинг ўн беши корону, ўн беши ёрдук дейишади. Сизга ҳам ёрғу кунлар келиб қолади. Инсон сабр-бардоши бўлиши керак.

МАДИНА

Тошкент шахри

## ТАБРИКЛАР ВА ӘЗЛОНЛАР

**Азиз рафиқам  
ОЗОДА!**

Сенни 8-март  
байрами билан  
күттәләмиз!  
Фарзандларимиз  
бахтияра доимо соң  
бүлгүн. Ҳамиша яхшы  
ништәләр сенни ёр бүлсін.

Тұрмуш ўртогингиз Нигма-  
тилла ва фарзандларингиз

**Азиз даражонимиз  
Абдурашид АБЖАЛОВ!**

Сиздин 11-март - табаллуд  
күниниз билан күттәләмиз.  
Бағыттың соң-омон бүлгүн.

Фарзандларингиз  
номидан Дилшод

**Хурматли дугонамиз  
ГУЛЧЕХРАХОН**

Биз сизди шүпшап күниниз билан  
табриклаймыз!

Ұзақ умр, соңында базын шылаймыз!  
Шахрисаб - электр тармоклари  
идорасы ходимлары Гулсара, Барно, Элса-  
ра, Ниғора, Нилифар

**Азиз  
онахонимиз  
Умри  
АБДУРАХ-  
МОНОВА!**

Сиздин 8-март -  
шүпшап күниниз билан  
хотин-қызлар байрами 8-  
март билан ын意大  
табриклаймыз. Соң бүлгүн.

Әхтиром ила  
фарзандларингиз

**Хурматли  
бүйінжонимиз  
МАМЫРОВА!**

Сиздин 8-март  
байрами билан  
Халқаро хотин-  
қызлар байрами 8-  
март билан ын意大  
табриклаймыз. Соң бүлгүн.

Фарзандларингиз ва  
невараларингиз

**Азиз  
ойижонимиз  
ТОЖИХОН!**

Сиздин 8-  
март - хотин-  
қызлар байрами  
байрами билан  
табриклаймыз. Аллохдан  
соңын шылаймыз.

Үрлінгиз Сайдикрим,  
келинингиз Ҳанифахон,  
набираларингиз Мұхаббат  
Мұхәйе, Сайдазим

**Азиз онажоним,  
Саида СУВОНОВА!**

Сизни 14-март -  
шүпшап күниниз билан  
куттәләм. Ҳамиша  
бахтияризга омон  
бүлсін.

Кизингиз Дилрабо

**Хурматли онажонимиз  
Хайринисо МИРЗАЖОНОВА!**

Сиздин күн байраминиз - 8-март  
хотин-қызлар күні ва табаллуд  
аїмминиз - күттәләмиз.

Аллохдан сизде үздік умр, бағыт-  
саодат, ишларинизда омада  
табриклаймыз. Розаттимизни қарын  
Фарзандларингиз номидан  
қизингиз Мұхаббатхон!

**Азиз даражонимиз  
Абдурашид АБЖАЛОВ!**

Сиздин 11-март - табаллуд  
күниниз билан күттәләмиз.  
Бағыттың соң-омон бүлгүн.

Фарзандларингиз  
номидан Дилшод

**Хурматли дугонамиз  
ГУЛЧЕХРАХОН**

Биз сизди шүпшап күниниз билан  
табриклаймыз!

Ұзақ умр, соңында базын шылаймыз!  
Шахрисаб - электр тармоклари  
идорасы ходимлары Гулсара, Барно, Элса-  
ра, Ниғора, Нилифар

**Сүюкلى жиянимиз  
МАРЫФАТХОН!**

Сенни 6-шыншының 8-  
март байрами билан  
табриклаймыз. Сенни соңын,  
бағыт шылаймыз!

Тогаларинг Хасан, Юсуф, Тохир-  
жон ва холанг Латофатхон

Жаҳонгир

**Мөхірбон онажонимиз  
БАШОРАТХОН ая!**

Сиздин құфалоқ байрам 8-март  
табаллуд аїмминиз 8-март  
Халқаро хотин-  
қызлар күні билан ын意大  
табриклаймыз. Соң бүлгүн!

Фарзандларингиз, невараларингиз  
номидан Каромат

Хурматли СУННАТИЛЛА!

Сиздин шүпшап күниниз билан  
табриклаймыз. Ұзақ умр, бағыт-  
саодат, ишларинизда омада  
табриклаймыз.

Әхтиром билан улғатларингиз

"Грейс" микроавтобуси Чимён тогига ва  
зиерләтүхларга буюртма қабул қилади.

Тел: 116-01-01

Барча тантаналар учун пишириклар пиши-  
раман, үргатаман.

Тел: 116-01-01

ЭЪЛОН

Юздеги доғ, ажин, хүнсузар, аллергиядан  
бутунлай күттәлесіз.

Тел: 58-95-89

ЭЪЛОН!

Яқкасарой туманында жойлашған 3 хоналы 4,5  
сотих ери бор хөвли арзон нархда сотилади.

Тел: 72-53-98

"БЕГОЙИМ" СЕРВИЗ

ҮКУВ МАРКАЗИ

Ўзбекистон аэллағынин 8-март - хотин-  
қызлар байрами билан күттәләп.

Ұлғар бағыры нағыслик, юсқақ толыағык  
мұстағак жаңынан шылаймыз.

Хотин-қызларини жамалын ҳаёттадын  
шынында көніліншілдік иштей  
бүлдіради.

ОИЛА+ 5

Ешім 24 да. Тошкентлік, ах-  
рашган, ҳунарлы, келишган аёл  
үзігі мүносіб (басында бүлса  
хам майлы) әрекә билан тани-  
шиб, бағыт түрмуш қуришни  
истайды.

Онахонимиз  
Маръям АХМЕДОВА

Сиздин 9-март - табаллуд  
күниниз 8-март - хотин-  
қызлар байрами билан күттәләп.

Адам билан  
құтақ қарыб ғоҳаттимизни  
қарындар.

Фарзандларингиз: Эр-  
кин, Малика, Дилором,  
келинингиз, ардоклы не-  
вараңгиз Дурданақон ва  
Икромжон

"ЗУККО" фирмасы үкүв марказы сизларни түрли курсларга  
үкішша таклиф этади

3-ойлік

Бичиш-тиши - бир ойға 2000 сүм.

Инглиз тили - бир ойға 1500 сүм.

Телерадиоусталар - бир ойға 2000 сүм.

Бүхлаптериа - бир ойға 2500 сүм.

Үй хамширасы - бир ойға 2500 сүм. (Гувохонда берилади.)

Үкіш хафтада иккі марта. Үкішни битиргандарга диплом берилади.

Манзилимиз: метронинг "Тинчлик" бекати. "Азиза Сайфи кизи"  
ательесининг ичида. Тел: 42-19-57. "Адидас" дүкөни ёнида.

2-ойлік

Торт тайёрлаш - бир ойға 2000 сүм.

Сартарошлиқ - бир ойға 2500 сүм.

Массаж - бир ойға 2500 сүм.

Лор ҳамширасы - бир ой

Немат ака: "Не бўлса бўлар, кора қозон қайнаб туриди-ку", - деди оғизни шартта юмиб хотинига тилла сирфа олди. Иккича йилдан бўён тўшакда ётиби. Кўнгли бир кўтарилик дедими, ёки чўнта-гидаги кечак бозор куни сотган кўйининг пули беркорга майдо-чўйдага кириб кетмасин, дедими, хар-карай тилла сирфа олди. Сирфа ҳам бегонаник эмас. Сешанба куни эди, чоги, шундек ўқитувчилар хона-сига кирган эди. Ҳамки ҳамкасабаси Зулхумор опа гап оғизни көлди. Немат ака ҳам қизиқиб кетиб нархини суриштири.

- Вой, - сизни қаранг-а, Немат ака. - Сиз билан бизнинг ўртамизда савдо нима килиди, бир жойда ишласак, бир-бirimizning ту-зимизни еганмиз-а. Мана шунча гувоҳ. Мага-зинда фалон сўм, лекин сизга тенг яримга берамон. Билаяпман, янганим бир хурсанд қимлок-чишиз. Оғир ётиби, бечора сиргани кўриб кўнгли кўтарилади.

Хуллас, Немат ака ёнидаги бор пулга сирғани олди-ю, дарсни тутагиб уйга шошиди.

Немат ака ҳар куни дарвозани секин гийк-иллатмай очиб, аста хотини ётган уйга муралади. Ухлаган бўлса, безовта қимлайди, ҳовлида юмушларини килиб юради. Бугун ҳам се-кин каради. Уй ичи сув қўйгандек жим-жит. Хотини уйғоқ бўлса, радио айтуб туради.

Бугун Немат ака ҳовлида ҳам унча юролмади, ичкарига мўралади. Охири сабри чидамади, шекилли, уйга кириб хотини атрофига тушалган кўрпачага секин ёнбошлади. Узича жилмайб хотинига тикилди. "Барibir сирғани олиб тўғри килдим", деб ўзича ўйлади.

Бу дард ҳам ёпишиб олди. Бир оёқ оғирк шунгача олиб бора-ся. Қандай паҳлавон аёл эди. Дард еб кўйди. Дўхтири опа адашдимикан, илоё адашган бўлсин-да. Болалар ёш, бир келин-пелин туширган бўлса, Тозагул деса, ҳамма ҳавас қиласидан аёл эди. Кўли чевар-лигини-чи, бу ёқдан тун, бу ёқдан кунгана тиним билмай ишларди. Кўз тегдимикан-а... Немат ака хаёл билан бўлиб хотини уйғонганини ҳам сезмай көлди. - Яхшимисан, анча бугун чехранг очик, кам-пир, чой-пой ичдингиз?

- Билмадим, отаси, кундан-кунга орқага кета-япман очи. Бу оёқ ултур иккинчиси ҳам умуман ишламай кўйди.

- Яхши ният қил-ей, кампир, кечак дўхтири опани кўрувдим. Бир талай дори ёзиб берди, шуларни олсанг яхши бўлиб кетасан. Ҳа, айтгандай, сенга тилла сирфа олдим, мана кўр, қанақаси ўзи, хотин-лар тушунади-да.

Тозагул опа эрининг кафтидаги кизил қўзли катта сирғага бир қараб қўзига ёш олди.

- Отаси, нима қилардингиз-а. Ўзи бу ёғи ет-май ётган бўлса, битта дори мунча пул. Анварнинг ўқишига қанча кетаяти. Тилла сирға менга нима керак. Худодан шу пайт сирға эмас, соғлигимни тилаб ётсан...

- Бўлди, сенга ҳам керак-да, эртага келин туширсанг. Келинга берасан, яхши ният қил, кел кулоғинга тақиб кўйди. Ўзимни сенга ярашади, кампир.

Немат ака гавдасига, ёшига номусиб бир чаконлик билан хотинингиз ёнидаги стулга ўтириб сирғани тақиб кўйди. Тўрда осигирик турган катта ойнани олиб келиб қаратди. Ўзини хур-сандликка солиб:

- Кампир, бугун бир яхши ош давмай, тунов кунги Нормат сарик олиб келган ҳалиги заҳардан озрок колган. Ахир ўзинг заҳар деб атайсанда. Ундан жиндай оламиш.

Тозагул опа қўзидаги ёшини рўмоли четига артаркан, деди: - Ҳеч ҳам ҳазилингиз қолмади-да, сирғага бало бормиди. Ундан кўра у кунги менинг

айтганимни килинг эди.

- Кўй, бўлмагур гапни гапирма, кўзим тириклигида сизни уйлантириб кўйай, эмиш. Бир гапирдинг, Тоза, иккичи тилингга олма.

- Отаси. Сиздан-ку бир умр миннатдорман. Лекин қийналиб кетдингиз. Сизга қараб ўтириб эзилиб кетаямсан.

- Бас кил, мен сабзи тўғрай, ҳадемай ўғлинг ке-

зрининг бикинига туртиб, кулоғини ушлаб кўиди. Орадан бирор вақт ўтиди. Немат ака дастурхон ёзди. Зулхумор опанинг охири тоқати ток бўлди шекили, ўзи гап бошлади.

- Немат ака, шу ўзингиз биласиз. Нарх-наво ошиб бораляти. Ўша куни қизик устида сизга сирғани арзон бериб юборибман. Ҳафа бўлманг-у, шунга келувдик.

Тозагул опа култ этиб ютинди. Нафас олиши янама тезлашиди. Немат ака хотинига піёладаги сувни бераркан, ёш болага ўҳшаб улрага мўлтираб қаради.

Қаҳрамон Азимо-вич хотинига ёзлан-

# ТИЛЛА СИРҒА

## ҲИКОЯ



либ қолади. Кўз ёш қилаверма десам, кулок солмайсан. Йиглаган кўзга Худо ёш беравераркан.

Хуллас, Немат ака сирғани ҳам, орада ётган гапларни ҳам унуди. Орадан бир зайдла кунлар ўтар, Немат аканинг ўмири мактаб, ўй, хотини, бозор-ӯчар, дориҳонада ўтарди.

Шанга куни эди. Немат ака энди мол-ҳолга қараб, кўлини ювоб уйга кирган эди ҳамки, дарвоза тақилади. Кечкурун келган меҳмон ким экан, деб елкасига тўйини ташлаб чиқди. Дарвозани очса, ҳамкасабаси Зулхумор опа эри Қаҳрамон ака билан турбиди.

- Ия, келинг, келинг, Қаҳрамон Азимович. Қандай шамол учирди. Ичкарига, қани ичкарига.

- Бир янганим кўриб келайлик деб келувдик-да, ўзи яхшиларми?

- Худо шифосин берсин, бир ҳафтадан бўён бироз оғирлашди. Овқат еттувди, нимагадир эмаляти. Эртага дўхтири опани бир об келиб кўрсатайлик деб турибман, - секин шивирлагандай гапирди Немат ака, хотини ётган ўйнинг эшиги очик бўлгани учун.

- Қани, дадаси, кира қолинг, вақтимиз тифиз. Бошқа жойга ҳам боришимиз керак. Кироб кўрайликчи.

Зулхумор опа узок касал ётган жой ҳавоси бузук бўлади, деб ўйладими, рўмоли билан оғизни бекитиб ичкарига кирди. Тозагул опа оппоқ тўشاқда озодагина бўлиб ётар, ёнидаги вазада гул, радио турарди. Ўйнинг ичи шинам, ҳамма нарса жой-жойда. Факаттинга Тозагул опанинг юзлари бирор салкиган, кўзлари киртайган, оғир-оғир нафас оларди.

- Яхшимисиз, опа, соғлиқ қалай? Э-бу, жуда Немат акага кўп эркалик килиб юбордингиз-да. Ҳалимия Немат ака дуруст, кўтаради. Зулхумор опа

эрдининг бикинига туртиб, кулоғини ушлаб кўиди. Орадан бирор вақт ўтиди. Немат ака дастурхон ёзди. Зулхумор опанинг охири тоқати ток бўлди шекили, ўзи гап бошлади.

- Немат ака, шу ўзингиз биласиз. Нарх-наво ошиб бораляти. Ўша куни қизик устида сизга сирғани арзон бериб юборибман. Ҳафа бўлманг-у, шунга келувдик.

Тозагул опа култ этиб ютинди. Нафас олиши янама тезлашиди. Немат ака хотинига піёладаги сувни бераркан, ёш болага ўҳшаб улрага мўлтираб қаради.

Қаҳрамон Азимо-

вич хотинига ёзлан-

- Арзон берган бўлсанг, мана пулини қайтариб бер-да, сирғани ол. Немат ака ўзимизнинг одам. Бегонамас-ку. Иккича ярим минг пулмиди... Овсар бўлмасан, шу пулга сирға берасанми? Зулхумор опа чўнтағидан пулни чикариб хотинага устига ўтига кўйди-да, ўрнидан турди.

- Яна қанча берсан бўлади, Зулхумор Аҳмедовна, айтинг, қанча бериш керак бўлса...

Немат аканинг бўзигига тош тикилди. Гапира олмади.

- Йўқ, сирғанимни қайтaring.

Тозагул опа кулогидан сирғанинг ечаётганда Немат ака чўйдай олмай ташқарига чиқиб кетди. Иши бўлмасан-да, оғилхона олдига бориб устунга бошини кўйганча "уҳ" тортиди. Хотини шунча оғир дардага дучор бўлганидан, докторлар умид йўқ, дейишганда ҳам йигламаган эди. Немат ака бугун астойдил кўйиниб, ичидаги бор дардини чикариб унисиз йилгарларди. Дарвоза эшиги ёлилиб, машина кетганини сезса ҳам уйга киргиси келмасди. Сўнг ўзини кўлга олиб, одатдагидек эшиқдан секин мўралади. Хотини тез-тез нафас олар, ҳозиргира кечки сменадан келган катта ўғли онасига дори тайёрларди. "Кунинг шу битта сирғага колувдими, номард, давлатнинг қанча нарсасини еб, битиб ётган бўлсанг. Лафзинг борми ўзи..." Немат ака хаёлида улар билан олишарди.

Немат аканинг ҳам ўжарлиги тутди. Оғилхона эшигини очиб кўйларининг эти борини чамалаб кўрди. Эртага яхшанба. Кўйларидан бирини сотиб, хотинига янги сирға, колган пулга дўхтири айтган чет элорисидан олиб келади.

"Арzon берган эмиш-а, ахир уни неча йил так-кандирсан... Шундай Саломат хола "янгисиням шу нарга берарди", - деб айтуди. Майли, энди олиб кўйдим, лафда дегандим-а, номард-а..."

Немат ака шу куни ухламади хисоби. Тонг азонда ўғлини ўйготиб бозорга чиқарди. Ёнидаги пулни кўшиб, чатиб шахарга қараб жўнади. Айланаб-айланаб, тилла магазиндан уч мингга жуда чиройли, катта кизил қўзли сирғани танлаб олди. Яна алдамасин дедими, сотувчи аёгла бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтбай берди.

- Энг яхшисини, тозасини бердим. Кўнглинигиз хотиржам бўлсанг. Илоё, хотинингиз шифо топиб тузалиб кетсин, - деди сотовчи аёл, Немат акага дадла бериб ва сирғани кутичасига солиб кўлига тутказди.

Немат ака шахардан күшдай енгил тортиб, чиройи очилиб қайtdi. Хотинингин юзларини қадок кўллари билан силаб, авайлабгина сирғани тақиб кўйди. Тозагул опанинг юзларидан оқсан ёнши кўллари билан сидириб артиди. Радиодан таралат-ётган дилрабо кўшик Немат ака хонадонига кечагина кириб келган дилхиралини, кўнглигашлини тарқатиб юбораётгандай эди...

Ҳафиза ЎСАРОВА

## ДОКА РЎМОЛ ТЕЗ ҚУРИЙДИ

КИЗИМ СЕНГА АЙТАМАН,  
КЕЛИНИМ ЭШИ...

Набира кизимнинг бир-иккита хато ишларни кўриб, уни бирор қаттироқ кўйдим. Ўйда бувижонлари бўйласа, онаси ишга эрта кетиб-кеч келса, кизлар кўп яхши одатларимизни, одобларимизни ўргонломай колишишаркан-да! Бир маҳал қарасам, набирам мендан араз, гаплашиси йўқ.

- Вой, сени қара-ю, -дедим кизчага. - Бунака аразлашиб юришни одат қимлажин. Ўрганинг коласан. Вакти-соати келиб, турмушга чиққанинда ҳам қайтна-қайнонага сенга у-бу деб, юмуш ўргатишса-аразлаб юрсанг, ярашмайди. Уларни ранжитиб юрсанг. Кайнота-қайненонага: "Хўй бўлади, ойижон, дадаҳон!" - деб гул-гул очилиб юраресанг, олам гулистан. Мәҳр қозонасан. Турмуш ўрготингга ҳам худди шундай муно-

сабадта бўл!

Халқимизда: "Эр-хотиннинг уриши, дока рўмолнинг куриши!", -деган ажойиб нақли бор. Бу нақлини мағзини чак! Аввалинбор ҳеч қачон ҳеч ким билан уришмаган, ширин сўз бўлгилан. Хотонги тан олиши, уэр сўрашни ўрганинг. Ҳа, дока рўмолни ювсанг, дорга ўйсанг бас, бир зумда курыйди. Арас ҳам шундай тез унтилиши керак. Колаверса, ўзаро аразлашиб кўлганда кимки бирини бўлиб гапирса-шўшанинг гунохлари битта қолмай, ерга дув тукилиб кетади.

Шундай одамлар бор-ки, аразлашиб кўлнишса уч-тўрт кунлаб, ҳатто ойлар давомида гаплашмай юришади. Бу Яратганга асло-асло хуш келмайди.

- Ҳа, кизим, аразни унунт. Кулиб-кулиб юрсанг-умринг узок, соглигинг яхши бўлади. Ҳамма сени яхши кўради, бу-лупли осмонга ўҳшаб хўмрайдиг юрсанг - ҳамма сендан безади. Минг чиройли бўлсанг ҳам сени ҳеч ким сева олмайди. Шунинг учун очиб чехралари бўлиб, кулиб юр. Аразни билмал! Хўпми? -дедим.

Набира кизим ҳамма гапларини тушишди. Ширингина жилмайб, юзларидан улipy кўйди. Ва: "Кечиринг, бувижон!" - деди.

- Кечирдим, болам, кечирдим. Илоҳим баҳтили-тахтили бўл! Ҳамиша гулдек очилиб юр!

С. МАҲМУДОВА

# ЁЛГИЗИМ, КУТАМАН СИЗНИ БИР УМР

**Б**ир куни дугонамнинг хонасига кирсан (биз бирга ишлаймиз) хеч ким йўк. Мен уни кутиб туриб, бе-иhtiёр столининг устида турган дафтарга кўзим тушди. У ерда ёзилган сатрларни ўқиб фалти бўлиб кетдим. Дугонам ўзи табиатан жуда шўх, кувнон, ажойиб киз. Биз у билан доимо бирга юрардик. Мен унинг хеч қандай дарди йўк деб ўйлардим. Энди билсан, унинг мендан яширган сири бор экан. Хар кишининг бир сири бўлади, уни хеч кимга айтольмайди. Унинг дафтарини ўқидими, унга қандай ёрдам беришни билмай колдим. Ўйлай-ўйлай сизларга мактуб оркали ёзиб юборишини маъкул кўрдим. Сатрларни ўқиб дугонамнинг булоқ калб эгаси эканлигига яна бор амин бўлдим. Унинг яна бир хислати бор, хеч кимга ёмонликни раво кўрмайди. Кимни хафа қиласа, айби бўлмаса-да, кечирим сўрайди. Сизларга ушбу дафтарнинг бир саҳифасини хеч қандай ўзгаришиз юборяпман. Балки бу мактуб "севги йўк" деб юрганларга бир сабоқ бўлар деган умиддаман...

"Мана, кўришмаганимизга, гаплашмаганимизга ҳам бир ой бўлибди. Дафтарнинг бу саҳифасини сизга багишлаша қарор килим. Шу пайтагча юрагим тубида асраран дил изкоримни ушбу дафтар саҳифасига жойладим. Шу пайтагча хеч кимга айтмадим, юрагимда асрарим, хаммадан кизғондим. Ўзим билан ўзим гаплашдим. Хаёлимда сизнинг руҳингиз билан гаплашдим. Бугун эса жудаям тўлиб кетдим. Юрак дардларимни кимгadir айтгим, ўртоқлашгим келди. Лекин кимга айтай. Ким мени эшитади, ким? Ўйлай-ўйлай охри кундалик дафтаримга дилимдагиларни тўкиб солиша қарор килим. Тўғри, кундалик мени маслаҳат бермайди, чунки бу тилсиз, забонсиз. Лекин мени қалбимни тинглайди, гапларимни бўлмайди.

Майли, сиз севганингизга уйланинг. Ширин ҳаёт кечиринг. Бирок, бир нарсанни унутманг. У ҳам бўлса сизни деб ҳаётда яшатганди, сизни деб юраги ураётган, сиз учун ҳамма нарсага тайёр инсон борлигини унутманг. Ҳаётда кўп кувончлару, ташвишлар бўлади. Кувончларингизга кўп инсонлар - ёрингиз, дўстларингиз шерик бўлиши мумкин. Лекин бошга ташвиш тушганда ундан эмас. Дафдингизга шерик тополмайсиз. Илоё, сизнинг бошингизга ундан кунлар тушмасин. Мабодо шундай кунлар тушса, ким билан

дардлашишини, ўртоқлашишини билмасангиз, менинг ёнимга келинг. Мен дардингизга дардману, юрагингизга малҳам, ташвишингизга шерик бўламан. Фамларингизни бирга баҳам кўраман. Сизга ёрдам беролсан, сизни озигина бўлса ҳам хурсанд килолсан ўзимни баҳтири хис қиласан.

Ха, ҳаёт мураккаб. Унинг сирли жумблокларини ечиш жуда ҳам оғир. Агар мента имкон берилганда эди, факат сизни деб яшардим ва сизни кутардим...

**Сиздан ҳеч тонмайман асло, Юракда авайлаб-асрайман сизни. Йиллар тўғонига берсам-да бардош, Ёлғизим, кутаман бир умр сизни.**

Ха, мен сизни кутаман, факат сизни. Сиз ҳеч ҳам кўз олдимдан кетмай-сиз. Юрсам ҳам, турсам ҳам хаёлимда сиз. Тушимда ҳам сиз, ўнгимда ҳам сиз. Тонг саҳар кўзимни очсан, кўз ўнгимда сиз турасиз.

Менинг хаёлларим, орзуларим, кўзимнинг гавҳари - бу сиз. Менинг хаёлларим, орзуларим тарк этмаса бўлди. Ахир умидиз инсон тошга ўхшайди.

Сизага катта раҳмат айтаман. Сизни учраттанимга шуклар ўйтаман. Менинг юрагим меҳр-муҳаббатга тўла. Инсонларга муҳаббат кўзи билан қарашмай. Шунинг учун сизга раҳмат айтаман.

Ўйга ёки ишончага келдётганимда сизни ўйлайман. Мовий осмонга тикилиб: "Кани эди, кабутарга айланбди қолсан. Инсонларни осмону-фалакдан кутассан, уларга меҳру-муҳаббатини берсану, сизнинг қошингизга учи борсан... сизни бир бора кўриб кўзларингизга тўйиб-тўйиб қараб, ёғинги остида жон берсан... Бундан ортиқ баҳт бормикан..." дейман ўзимча. Каранг, дафтаримни канча саҳифасини қоралб қўйдим. Воажаб, шунча ёзибману, ёнимда менинг тикилиб ўтирганингизни сезмай қолибман. Узр, кундаликка берилбиди сизни пайқамай қолибман. Эҳ, ҳаёл, нақадар топтисан. Мен барибир баҳтлиман, чунки бу ёруғ дунёда сиз борсиз..."

МУНИСА  
Тошкент



## СЕВГИ ЎТДИР

**И**нсон дунёга келибди-ки, нимагадир интилади, кимгadir меҳр боғлайди. Жаҳон шоҳлари бош эгган муҳаббат эса бундан мустасно. Муҳаббатни мадҳ этмаган шоир, куйламаган хофиз, измига бўйсунмаган ошик бўлмаса керак. Муҳаббат Оллоҳ инъомъ этган энг олий неъматдир. Муҳаббатни кўнглига сиғдирган одам разилликка ўрин қолдирмайди.

Муҳаббат мумтоз тўйғу, севишганлар кўнгли эса жуда нозик. Болаликни тарк этган юракни бошча нотаниш тўйғулар қамраб олади. Кечалари ороми бузилиб тезор, тонг отишни сабрсизлик билан кута бошлайди. Воажаб, бу не сир-саноат бўлдийкин. Бу хурматми?! Наҳотки хурмат, дўстлик бўлар барни муҳаббатга айланниб кетган бўлса?! Мен ўн саккис ёшли қиз сифатида

самимий ва буюк муҳаббатлар қаршисида тиз чўка-ман. Ён дафтаримни вараклаганимда Тургеневнинг кўйидаги сатрларига кўзим тушади: "Севги ўтди, уни қалаб турмасонг ўчади". Кимларидир юракдан кимдир учун ёниб куядилар. Бирок қўлтиклишиб хиёбон оралаб кетаётганиларни кўриб ҳайрон қоламан, ё тавба! Буларнинг муҳаббати ҳам

**С**изларга ушбу мактубни ёзиш билан қалбимдаги дардлардан фориг бўлиши истайман. Яна бир истагим, менинг ёзганиларни бошқарла бират бўлса...

Дард-хасратим назаримда бир дунё. Мен шу ёшгача дард-алам, хасрат нелигини билmas эдим...

Бундан тўрт йил аввал мен институтда ўқирдим. Ўша куни мен нима учундир уйга вактига қайтишим зарур бўлиб колди. Соат ўн яримда бекатда чиқиб автобус кутиб ўтирадим. Кун совуқлигидан совқота бошладим. Эгнимда пальтомга қаттиқроқ ўнраби ўринидикка яхшилаб жойлашиб олдим. Кўлларимни иситиш учун кўксимга босгачча ўтирадим. Бир маҳал ёнимга бир йигит келиб ўтириди. "Ўтирасм маймий?" деб мендан рухсат сўради. Мен индамадим. Ўринидикка ўтиргача, у менга узоқ тикилди. Мен эса унинг карашидан уялиб кетдим, гўё ер ёримладио

эди. Автобусга чиқарканман, "Кани эди уни ҳозир учратсан", - деган ўйтарди кўнглимдан.

Орадан бир ҳафта ўтди. Ўқишидан чиқиб келаётib яна ўша йигитни кўриб қолдим. Уртадиму юрагим орқага тортиб кетди. Энди уни бекатда ёки автобусда эмас, балки машинасида кўриб турардим. У машинадан тушиб мен томон кел бошлади. Уни биринчи сўзи: "Исмингиз нима?" - деган сўз бўлди. "Ўшандан исмингизни айтмаган эндингиз, мана энди айттарсиз..." - деб кулиб кўйди у. Мен ўзимни Мадина деб таништирдим унга. Кутимагандан у мени машинага ўтиришимни таклиф килди. Ачиқланиб: "Мени қандай киз деб ўйлаясиз?" - дедим. У сўзида давом этиб: "Мен ҳам сиздан шу гапни кўтгандим. Чунки ҳаёл кизлардан фақат шунаقا гап чиқади", - деди у. Орага жимлик чўқди. Сўнг: "Мен энди

## БЕКАТДАГИ УЧРАШУВ

ерга кириб кетсан... У яна менга қараб сўзлай бошлади:

- Исмингиз нима, танишсан бўладими?- одоб билан сўради у.

Олдинга унга исимими айтишини ўзимга номуносиб кўрдим, саволига савон билан жавоб қайтаришни лозим топдим. "Мени кимгadir ўшҳатаяпиз шекилли, кечиралисиз, биз сиз билан таниш эмасми?", - дедим. У яна мени гапга тутид: "Шундок ҳам таниш эмасмиз, мен шунчак исмингизни сўрадим, холос", - деди сувукоткан юзларимга мөхрибонлик билан тикилиб. Мен ҳам унга ним табассум билан қараб кўйиб: "Ўзингизни исмингиз нима?" - дедим.

"Шокир", - деди у исмими сўраганимга хурсанд бўлиб. Субҳата берилиб автобусимнинг келганини ҳам пайкамай қолибман, ўрнидан туртиб автобусга қараб чопдим. Йўл-йўлакай Шуҳратга "хайр", - дедим. Автобусга чиқиб ўтирган пайтда сумакчам ўйлигини эсладим. Ҳалиги йигит автобус кетидан хуштаса чалганича юргурилаб келаяти, у бир амаллаб автобусга чиқиб менга сўмканини берди, аммо кўллари калтиради. Шунда мен унинг покидил йигит эканлигига ишонч хосил килдим. Мен шу кундан бошлаб ўзга дунёга тушиб колгандай бўлдим. У менинг тушимга ҳар куни кирадиган бўлиб колди. Юриш-туришида, хаёлимда фақат у

бора қолай", - дедим. У эса: "Каерга борасиз?" - деб сўради.

- Каерга бораман, уйимга бораманда, - жавоб қайтардим мен.

- Машинада олиб бориб қўя қолай, - деди у менга қараб.

Мен аранг рози бўлдим. Аммо ичимда эса жуда хурсанд эдим.

Орадан ҳаш-паш дегучу ярим йил ўтди. Биз Шоқир билан жуда кўп сұхбатлар курдик, бир-бириимизни ўтирганимиздан тез-тез учрашиб турдик. Ота-оналаримиз рухсат билан турмуш курдик. Турмушимизда хеч кимдам кам жойимиз йўк эди, ўтрадаги иккни фарзандимизни яхши ният билан улгайтираётган бир пайтда мана бу воқеа юз берди.

Дам олиш кунларининг бирда Шоқир ака бизни оиласизми: менинг, иккичи фарзандимини паркка олиб чиқди. Йўл жуда яхмалак эди. Катта бетон йўлда тезлик билан кетаётган ю машинаси бизни бетон бетонга туртиб юборди ва биз машинани тезлиги билан бориб бетон тўсикка урилдик. Машинадан олд, тарафида ўтирган ўглим билан турмуш ўртогим шу ернинг ўзида ҳалок бўлди. Начора, тақдирга тан бермай илож йўк экан... Ҳозир умримни кичинча ўтим билан ўтказаямсан.

Сизлар билан бўлишмоки бўлган дардим шу. Илойим, бу ҳаро кун ҳеч кимнинг бошига тушмасин...

Эй, меҳр-муруватли инсонлар, ёрингизни кадрига етинг, ўтнагизда совукчилик пайдо бўлишига йўл кўйманг. Оилани мустаҳкамлигини таъминланг, ширидан-шакар фарзандларингизни камолини кўриб юринг. Зеро, бу дил изҳори барчага сабоқ, бир дарс бўлсин.

Алишер ҲАСАНОВ

бахор офтобига ўхшайди. "Кўнглимда бир ёру, кўйнимда бир ёр" деганлари шу бўлса керак-да.

Муҳаббатнинг энг яқин ҳамрохи садоқат. Хурмат, ишонч, садоқат ҳамоҳанг. Биз инсонлар садоқатни вафо рамзи бўлмиш Оқкушлардан ўргансак бўлади. Иккичинотимиз бўлса - бири муҳаббат, иккичиниси садоқат.

Бир каноти синган кунни кўз олдимизда кептирайлик, у канчалар гарип... Канот жуфт бўлсагина у баланд учши мумкин.

Дўстларим, сизларга айтар сўзим: Севги мумтоз тўйғу, севги сирларини асрар авайланг.

Иқбол ҚЎШШАЕВА,  
Тошду журналистика  
факультетининг 1-курс талабаси

## Оила ва жамият

### БОШ МУҲАРИР: ДИЛБАР САЙДОВА

#### Телефонлар:

Бош муҳаррир — 133-28-20  
Котибият — 34-86-91

#### МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент - 700000  
Амир Темур кўчаси,  
1-тор кўча, 2-йи.

«Шарқ» нашрийатматбоса концерни босмахонаси.  
Манзил: Тошкент, Буюк Туров кўчаси, 41-үй.  
Босишига топшириш вақти - 20.35  
Босишига топширилди - 21.15

ХОМИЙ  
«Матбуот тарқатувчи»  
акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176

ташқилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33

Буюртма Г-206

Формати А-3, жамъи 2 босма тобоб.

Бахси эркин нарҳда

Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.

Навбатчи — М. СОДИКОВ.